



*Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари.*

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам осмон уфқида тўпланган булутни кўрсалар, қилиб турган ишларини тўхтатардилар, агар намозда бўлсалар:

اَوْرَشُوْا نَمْلًا كَبُرَ دُؤْعًا يَّيْنِ الْمُهَلَّلِ

اَيُّيْهِ نَهَابُ يَّصْمُ الْمُهَلَّلِ

«Аллоҳумма инний аъзузу бика мин шарриҳа» (Эй Раббим, Сенинг номинг ила унинг ёмонлигидан паноҳ тилайман), деб айтардилар. Агар ёмғир ёғса:

«Аллоҳумма саййибан ҳаний`ан» (Эй Раббим, шалдираб оқувчи ёқимли ёмқир ёқдир), деб айтардилар.

*Абу Довуд, Насайй, Ибн Можа ривоятлари.*

Убай ибн Каъбдан розияллоху анху ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Шамолни сўкманглар, агар бирор қариҳ нарсани кўрсанглар:

اَوْرَشُوْا نَمْلًا كَبُرَ دُؤْعًا وَهَبْ تَرْمُؤًا مَرِيْحًا وَاهِيْفًا مَرِيْحًا وَحَرِيْحًا لَهِدَةً رِيْحًا نَمْلًا كَبُرَ اَسْنَانُ الْمُهَلَّلِ  
وَهَبْ تَرْمُؤًا مَرِيْحًا وَاهِيْفًا مَرِيْحًا وَحَرِيْحًا لَهِدَةً رِيْحًا

«Аллоҳумма инна нас`алука мин хойри ҳазихир рийҳи ва хойри ма фийҳа ва хойри ма умирот биҳи ва наъзузу бика мин шарри ҳазихир рийҳи ва шарри ма фийҳа ва шарри ма умират биҳи», деб айтинглар», дедилар. (Маъноси: Аллоҳим, Сендан шамолнинг яхшисини ва ундаги яхшиликларни ва у билан буюрилган нарсаларнинг яхшилигини сўрайман. Ва Сендан, шамолнинг ёмонидан, ундаги ёмонликлардан ва у билан буюрилган ёмонликлардан паноҳ сўрайман.)

*Термизий ривоятлари.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан  
Таржимон Анвар Аҳмад**